

# **Yashil** IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

2  
0  
2  
4

**“YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA INNOVATSIYALARНИ  
KENG JORIY QILISH VA BARQAROR IQTISODIYOTNI  
INSTITUTSIONAL TARAQQIY ETTIRISH DOLZARBLIGI**

**INSTITUTIONAL DEVELOPMENT OF A SUSTAINABLE  
ECONOMY AND WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS  
DURING THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY**

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УСТОЙЧИВОЙ  
ЭКОНОМИКИ И ШИРОКОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ ПРИ  
ПЕРЕХОДЕ К “ЗЕЛЕНОЙ” ЭКОНОМИКЕ**

Onlayin xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

**2024-yil 20-may**



**MAXSUS SON**



**74-91 xalqaro daraja  
ISSN: 2992-8982**



# **Yashil**

## IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

**Bosh muharrir:**

**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich**

**Bosh muharrir o'rinnbosari:**

**Karimov Norboy G'aniyevich**

**Muharrir:**

**Qurbanov Sherzod Ismatillayevich**

**Tahrir hay'ati:**

**Salimov Oqil Umrzoqovich**, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi

**Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich**, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi

**Rae Kvon Chung**, Janubiy Korea, TDIU faxriy professori, "Nobel" mukofoti laureati

**Osman Mesten**, Turkiya parlamenti a'zosi, Turkiya – O'zbekiston do'stlik jamiyati rahbari

**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich**, t.f.d., prof., O'zR Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vaziri

**Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich**, i.f.d., O'zR Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vaziri o'rinnbosari

**Axmedov Durbek Kudratillayevich**, i.f.d., prof., O'zR Majlis qonunchilik palatasi deputati

**Xudoqulov Sadirdin Karimovich**, i.f.d., prof., TDIU YoMMMB birinchi prorektori

**Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna**, i.f.d., prof., TDIU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori

**Kalonov Muxiddin Baxritdinovich**, i.f.d., prof., "O'IRIAM" ilmiy tadqiqot markazi direktori – prorektor

**Yuldashev Mutallib Ibragimovich**, i.f.d., TMI professori

**Samadov Asqarjon Nishonovich**, i.f.n., TDIU professori

**Slizovskiy Dimitriy Yegorovich**, t.f.d., Rossiya xalqlar do'stligi universiteti professori

**Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich**, i.f.d., prof., Xalqaro "Nordik" universiteti rektori

**Aliyev Bekdavlat Aliyevich**, f.f.d., TDIU professori

**Axmedov Ikrom Akramovich**, i.f.d. TDIU professori

**Po'latov Baxtiyor Alimovich**, t.f.d., profesor

**Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich**, i.f.d., TDIU professori

**Isakov Janabay Yakubbayevich**, i.f.d., TDIU professori

**Musyeva Shoira Azimovna**, SamDu IS instituti professori

**Axmedov Javohir Jamolovich**, i.f.f.d., "El-yurt umidi" jamg'armasi ijrochi direktori o'rinnbosari

**Toxirov Jaloliddin Ochil o'g'li**, t.f.f.d., TAQU katta o'qituvchisi

**Xalikov Suyun Ravshanovich**, i. f. n., TDAU dotsenti

**Kamilova Iroda Xusniddinovna**, i.f.f.d., TDIU dotsenti

**Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi**, i.f.f.d., TDIU dotsenti

**Rustamov Ilhomiddin**, f.f.n., Farg'ona davlat universiteti dotsenti

**Fayziyev Oybek Raximovich**, i.f.f.d. (PhD), Afraganus universiteti dotsenti

**Sevil Piriyeva Karaman**, PhD, Turkiya Anqara universiteti doktaranti

**Mirzaliyev Sanjar Maxamatjon o'g'li**, TDIU mustaqil tadqiqotchisi

**Utayev Uktam Choriyevich**, O'zR Bosh prokururasi boshqarma boshlig'i o'rinnbosari

**Ochilov Farxod**, O'zR Bosh prokururasi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bo'limi boshlig'i

**Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna**, TDIU katta o'qituvchisi

**Ekspertlar kengashi:**

**Berkinov Bazarbay**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Hakimov Ziyodulla Ahmadovich**, i.f.d, TDIU dotsenti

**Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich**, i.f.f.d, TDIU dotsenti

**Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi**, i.f.d., TMI dotsenti

**Babayeva Zuhra Yuldashevna**, TDIU mustaqil tadqiqotchisi

**Muassis:** "Ma'rifat-print-media" MChJ

**Hamkorlarimiz:** Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O'zR Tabiat resurslari vazirligi,  
O'zR Bosh prokururasi huzuridagi IJQK departamenti.



II shu'ba  
“YASHIL” IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY  
ETISHDA ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY  
ISTIQBOLLARI

Section II  
DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE  
WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS IN THE GREEN  
ECONOMY

II секция

ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ ПО ШИРОКОМУ  
ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В “ЗЕЛЕНУЮ” ЭКОНОМИКУ

PROGRESS  
PERSPECTIVES





# ИНСОФЛИ СОЛИҚ ТҮЛОВЧИЛАРНИ КҮПАЙТИРИШ – СОЛИҚ КҮРСАТКИЧЛАРИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Абдурасулов Алишер Абдурасулович

ТДИУ тадқиқотчиси

**Аннотация:** Солиқ тизимида муҳим бир миқдорий омил борки, у ҳам бўлса, бу инсофли солиқ түловчилар масаласидир. Чунки бу каби солиқ түловчилар солиқ тушумларининг кўпайишининг муҳим омилидир. Бундан ташқари инсофли солиқ түловчилар сонининг ошиши солиқ қарздорлигининг камайишига ижобий таъсир қиласди. Мазкур иммий тезисда ана шу масалалар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** инсофли солиқ түловчи, солиқ, солиққа тортиш, йифилувчанлик, солиқ йифилувчанлиги, омил, солиқ имтиёзлари, преференция, солиқ қарзи, ортиқча тўлов, солиқ сиёсати, макроқитисодий барқарорлик, солиқ тушумлари.

**Abstract:** There is an important quantitative factor in the tax system – the question of honest taxpayers. Because such taxpayers are an important factor in increasing tax revenues. In addition, an increase in the number of honest taxpayers has a positive effect on reducing tax debt. This scientific dissertation is devoted to these issues.

**Key words:** honest taxpayer, tax, taxation, collection, tax collection, factor, tax credit, preference, tax debt, overpayment, tax policy, macroeconomic stability, tax revenues.

**Аннотация:** В налоговой системе есть важный количественный фактор – вопрос честных налогоплательщиков. Потому что такие налогоплательщики являются важным фактором увеличения налоговых поступлений. Кроме того, увеличение количества честных налогоплательщиков положительно влияет на сокращение налоговой задолженности. Данная научная диссертация посвящена этим вопросам.

**Ключевые слова:** честных налогоплательщик, налог, налогообложение, сбор, сбор налогов, фактор, налоговый кредит, преференция, налоговая задолженность, переплата, налоговая политика, макроэкономическая стабильность, налоговые поступления.

Солиқ субъектларида асосий томон солиқ түловчилар ҳисобланади. Чунки солиқ түловчилар солиқларни жорий этиш обьекти бўлиб, солиқ түловчилар мавжуд бўлган тақдирдагина солиқ обьекти пайдо бўлади ва солиқ элементларини қўллаш имконияти туғилади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 20-моддасига кўра, зиммасига белгиланган солиқлар ҳамда йигимларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар солиқ түловчилар деб эътироф этилса, 23-моддасига мувофиқ, солиқ агентлари сифатида солиқ Кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир, яъни корхона, ташкилот, бирлашма, ўюшмалар ва шу каби ҳуқуқий бирликлар ҳисобланади.

Солиқ түловчилар ҳуқуқий мақоми жиҳатидан юридик шахслар, жисмоний шахслар, нотижорат ташкилотлари, доимий муассаса, якка тартиbdаги тадбиркорлар, резидент ва норезидентларга ажратилади. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар Солиқ кодексининг 32-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг 39-моддасига кўра ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Шунингдек, юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак. Шу билан биргаликда, юридик шахсларга жумласига чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган чет эл ташкилоти ва Ўзбекистон Республикасининг, чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномага мувофиқ ташкил этилган халқаро ташкилотлари ҳам киритилади. Нотижорат ташкилотлари деганда фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва



олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушу-нилиб, уларга бюджет ташкилотлари, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нода-влат нотижорат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонун хужжат-ларига мувофиқ бошқа ташкилотлар киради.

Солиқ тўловчиликнинг кейинги гурӯҳи жисмоний шахслар сифатида юзага чиқади. Жисмоний шахслар деганда эса Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Ушбу гурӯхга кирувчи солиқ тўловчилар тоифасига якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам кириб, уларга тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахслар киради.

Шу билан биргалиқда солиқ тўловчилар гурӯхлагандага уларнинг юзага келиши, солиқ тўлашни амалга ошириши ҳамда солиқ тўловчилар бўйича солиқ потенциални аниқлаш мақсадида реал ва потенциал солиқ тўловчиларга, солиқ тўловчиларнинг солиқлар тўлаш ҳолати юзасидан рўйхатдан ўтган солиқ тўловчилар, фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчилар, фаолиятини тўхтатган солиқ тўловчилар ҳамда солиқ мажбуриятлари тугаган(бошланган) солиқ тўловчиларга ажратилади. Реал солиқ тўловчилар бу амалда фаолият кўрсатиб турган ва солиқ тўлаш мажбуриятини амалда бажараётган солиқ тўловчилар тушунилса, потенциал солиқ тўловчилар эса яқин келажақда солиқ тўловчилар сифатида юзага келиши кутилаётган (солиқ имтиёзи даври тугайдиган солиқ тўловчилар, лаёқатли ёшга тўлиб меҳнат бозорига кирадиган жисмоний шахслар, янгидан ташкил этиладиган солиқ тўловчилар ва ш.) солиқ тўловчилар назарда тутилади. Солиқ тўловчиларни бундай тартибда гурӯхлаш эса солиқ тизимида солиқ тизими-нинг самарадорлигини таҳлил қилишда катта аҳамиятга эгадир.

**1-жадвал:** Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ тўловчилар сонининг солиқ турлари бўйича динамик ўзгариш таҳлили<sup>1</sup>

	2022-йил 1-январь	2023-йил 1-январь	2024-йил 1-январь
<b>1. Асосий солиқ турлари бўйича тўловчилар сони (бирлик)</b>	<b>650 869</b>	<b>744 116</b>	<b>780 522</b>
Фойда солиғи	140 566	165 182	180 104
Қўшилган қиймат солиғи	141 526	165 182	184 886
Акциз солиғи, жами	4 433	4 590	4 623
Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ	1 904	2 167	2 105
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	137 020	156 475	156 767
Юридик шахслар мол-мулк солиғи	64 392	77 123	68 763
Юридик шахслар ер солиғи	161 028	173 397	183 274
<b>2. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар сони (минг нафар)</b>	<b>18 959</b>	<b>19 707</b>	<b>19 986</b>
Даромад солиғи (қатъий белгиланган даромад солиғи тўловчи ЯТТ билан бирга)	4 926	5 322	5 392
Мол-мулк солиғи	7 468	7 656	7 764
Ер солиғи	6 565	6 729	6 830

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, бошқа даврлар каби охирги уч йил давомида ҳам республикамида солиқ тўловчилар сони юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар кесимида ҳам ўсиб борган. Бироқ, бу миқдорий кўрсатичлар бўлиб, ушбу динамик ҳолат ушбу солиқ тўловчиларнинг барчаси ҳам бюджеттага солиқ тушумларининг ўз вақтида келиб тушишига бирдек хизмат қиласди деб хулоса қилиш ўринли эмас деб ҳисоблаймиз. Солиқ тўловчилар кесимида энг катта улушни эгаллайдигани бу солиқ тушумлари нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҚҚС тўловчилар сонидир. 2024-йилнинг 1-март ҳолатига оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ҚҚС тўловчилар сони 192 293 тага етди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,3 % кўпни ташкил этади. Унинг таркиби жиҳатидан қарайдиган бўлсак, Энг кўп ҚҚС тўловчилар куйидаги соҳаларда: савдо – 63,4 минг, қишлоқ ҳўжалиги – 47,2 минг, саноат – 25,5 минг, ҚҚС тўловчиларининг юқори ўсиш суръатлари куйидаги соҳаларда кузатилмоқда: транспорт – 26,8%, курилиш – 14,7%, хизмат кўрсатиш – 14,7%, ахборот ва алоқа – 14,4% ва шу кабилар.

<sup>1</sup> Давлат солиқ қўймитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Солиқ тұловчилар сонини таҳлил қилишда рўйхатдан ўтгани билан таҳлил қилиш унчалик етарли эмас, сабаби уларнинг барчаси ҳам фаолият кўрсатмайди. Шу сабабли ҳақиқий фаолият кўрсатаётганлари ҳам мұхимдир. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларига кўра, 2024-йил 1-февраль ҳолатига Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 566,3 мингтани ташкил этган бўлса, уларнинг 6 867 таси 2024-йилнинг январь ойидаги рўйхатдан ўтган. Агар, уларни йирик ТОП мезони бўйича қарайдиган бўлсак, юридик шахслар фаолият турлари бўйича ТОП-5 соҳалар: савдода – 150,6 мингта, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 127,4 мингта, саноатда – 66,5 мингта, қурилишда – 33,7 мингта ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 27,3 мингтани ташкил қилади.

Солиқ тұловчилар солини кўламийлик жиҳатдан (кичик ва ўрта) таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда фаолият юритаётган якка тартиbdаги тадбиркорлар (ЯТТ) 2024 йил 1 март ҳолатига Ўзбекистонда 255 445 нафарни ташкил этган. Шундан: 83,2 % – қатъий миқдорда даромад солиғи тұловчи, 15,9 % – айланмадан олинадиган солиқ (АОС) тұловчи, 0,9 % – ҚҚС тұловчисидир. Якка тартиbdаги тадбиркорлар қайси соҳаларда фаолият юритадиган савол туғиладиган бўлса, чакана савдода – 126 427 та, хунармандчилик соҳасида – 22 444 та, маший хизмат кўрсатишда – 23 819 та ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланадиган ЯТТлар – 82 755ни ташкил этмоқда.

Қайд этиш жоизки, инсофли солиқ тұловчиларни ажратишда мұхим мезонлардан бири бу улар томонидан солиқларнинг ихтиёрий тұланиш даражасидир. Охирги йиллар, жумладан, 2023 йилда республика миқёсида юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарагалиши 97 %ни ташкил этган, Бу борада энг яхши кўрсаткич йирик солиқ тұловчилар, Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларига тегишли – 98% бўлиб, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида – 97%, Қорақалпогистон Республикаси, Андижон ва Сирдарё вилоятларида – 96%ни ташкил қилган. Агар буни солиқ турлари кесимида қарайдиган бўлсак, ер қаъридан фойдаланганник учун солиқ бўйича – 100%, акциз ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ЖШОДС) бўйича – 99%, ҚҚС бўйича – 98%, АОС, фойда ва мол-мулк солиқлари бўйича – 97%, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганник учун солиқ бўйича эса – 96%ни қилган бўлиб, умумий олиб қаралганда ижобий ҳолат.

Энди солиқ тұловчилар гурухи ва тармоқлар кесимида солиқ тұловлари ҳақида қисқача таҳлилларни көлтирамиз. Энг кўп солиқ тұловчилар гурухида қурилиш корхоналари ҳам ҳисобланадики, улар томонидан 2023 йилда 8,4 трлн сўмдан ортиқ солиқ тұланган. 2023-йил январь-декабрь ойларида қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи 33 848 та юридик шахс томонидан тұланган 8,4 трлн сўм солиқнинг 1 трлн сўмдан ортиғи, яъни 12 %и 20 та корхона ҳисобига тўғри келади. Уларнинг жами товар айланмаси 13,2 трлн сўмдан зиёд, қўллаган солиқ имтиёzlари миқдори эса 69,3 млрд сўм бўлган. Ушбу солиқ тұловчилар томонидан таъминланган тушумлар солиқ турлари кесимида: ҚҚС – 548,4 млрд сўм, фойда солиғи – 151,5 млрд сўм, ЖШОДС – 127,8 млрд сўм, ижтимоий солиқ – 119 млрд сўм, ер солиғи – 26,6 млрд сўм, мол-мулк солиғи – 24,4 млрд сўм, бошқа солиқлар – 10,9 млрд сўмни ташкил этган.

Ўз навбатида 2023-йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи 67 322 та юридик шахс томонидан 41,6 трлн сўмга яқин солиқ тұланган. Шундан 18,9 трлн сўми 20 та солиқ тұловчи\* ҳисобига тўғри келади. Уларнинг товар айланмаси 162,5 трлн сўм, қўллаган солиқ имтиёzlари миқдори эса 2,5 трлн сўмдан ошган. Ушбу солиқ тұловчилар томонидан таъминланган тушумлар солиқ турлари кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, ҚҚС – 6,5 трлн сўм, акциз солиғи – 3,7 трлн сўм, ер қаъридан фойдаланганник учун солиқ – 2,1 трлн сўм, фойда солиғи – 1,9 трлн сўм, ЖШОДС – 1 трлн сўм, ижтимоий солиқ – 921,7 млрд сўм, мол-мулк солиғи – 642,3 млрд сўм, ер солиғи – 343,2 млрд сўм, сув ресурсларидан фойдаланганник учун солиқ – 110,6 млрд сўм, бошқа солиқлар – 1,5 трлн сўм бўлган.

Хизмат кўрсатиш корхоналари кесимида қарайдиган бўлсак, 2023-йилда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи 166 938 та юридик шахс томонидан 27,5 трлн сўмдан ортиқ солиқ тұланган. Шундан 4,8 трлн сўмдан ортиғи, яъни 17,7 %и 20 та корхона ҳисобига тўғри келади. Уларнинг жами товар айланмаси 55 трлн сўмни, қўллаган солиқ имтиёzlари миқдори эса 3,7 трлн сўмни ташкил этган. Савдо соҳасидаги савдо фаолияти билан шуғулланувчи 151 340 та юридик шахс томонидан корхоналар томонидан 2023 йилда 20,3 трлн сўмга яқин солиқ тұланган. Шундан 1,8 трлн сўми, яъни 8,8 %и 20 та корхона ҳисобига тўғри келади. Уларнинг жами товар айланмаси 42,9 трлн сўмни ташкил этган, қўллаган солиқ имтиёzlари миқдори эса 759,1 млрд сўмга етган.

2023-йилда умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи 20 378 та юридик шахс томонидан 999,4 млрд сўм солиқ тұланган. Шундан 170,7 млрд сўми, яъни 17,1 %и 20 та корхона ҳисобига тўғри келади. Уларнинг жами товар айланмаси 2 трлн сўмдан ошган, қўллаган солиқ имтиёzlари миқдори эса 26,3 млрд сўм бўлган. Ушбу йилда 16 082 та ўрта тадбиркорлик субъекти томонидан 18,6 трлн сўмдан ортиқ солиқ тұланган. Шундан 563,3 млрд сўми 20 та корхона ҳисобига тўғри келади. Уларнинг жами товар айланмаси 1,4 трлн сўмдан ошган, қўллаган солиқ имтиёzlари миқдори эса 29,1 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 64 272 та кичик бизнес корхонаси томонидан 10,9 трлн сўмдан ортиқ солиқ тұланган. Уларнинг жами товар айланмаси 152,7 трлн сўм, қўллаган солиқ имтиёzlари эса 4,1 млрд сўмдан иборат бўлган.



Аммо, инсофли солиқ тұловчиларни ажратышда мұхим мезон борки, у ҳам бўлса, солиқ қарздорлиги күрсаткичи бўлиб, унинг миқдори ва даражаси қанчалик кўп бўлса, инсофли солиқ тұловчилар сонининг камайишига сабаб бўлади. 2024-йил 1 март ҳолатига ишлаб чиқариш соҳасида солиқ қарзи (100 млн сўмдан юқори) мавжуд корхоналар сони 854 та бўлиб, уларнинг жами қарздорлиги – 867,2 млрд сўм. Шундан 198,5 млрд сўми, яъни 22,9 %и солиқ қарзи энг кўп бўлган 10 та корхона ҳисобига тўғри келган бўлса, қурилиш соҳасида солиқ қарзи (100 млн сўмдан юқори) мавжуд бўлган корхоналар сони 973 та бўлиб, уларнинг жами солиқ қарзи 735,3 млрд сўмни ташкил этган. Шундан 284,6 млрд сўми, яъни 38,7 %и 10 та корхона ҳисобига тўғри келмоқда.

Қайд этиш жоизки, инсофсиз солиқ тұловчи ёки солиқдан бўйин товлайдиган солиқ тұловчиларнинг мавжудлиги бу борадаги муаммолардан бири ҳисобланади. 2024-йил бошидан солиқ ҳуқуқбузарликлари ҳақида фуқаролардан 17 мингдан ортиқ мурожаат йўлланганлиги, «Солиқ» мобил иловасининг «Солиқ ҳамкор» тизими орқали солиқ ҳуқуқбузарликлари ҳақида 17 859 та мурожаат келиб тушганлиги фикримизнинг далили ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқбузарликлардан 646 таси харид чеки бермаслик, 799 таси тўловни пластик карта орқали қабул қиласлик, 35 таси пластик карта учун харид суммасини ошириш, 399 таси бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича бўлган. Мурожаатларнинг 7 703 таси тақорий бўлганлиги ёки шикоят келиб тушган тадбиркорлик субъектида текширув давом этаётганлиги сабабли қайтарилган. Ушбу мурожаатлар асосида 4 288 та сайёр солиқ текшируви ўтказилиб, 99,4 % ҳолатда ҳуқуқбузарлик тасдиқланган. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича хабар берган фуқароларга январь-февраль ойларида 5 177 та ҳолат бўйича (ундирилган жарима суммасидан 20%) 3,5 млрд сўм мукофот тўланган.

Шунингдек, инсофсиз солиқ тұловчи ёки солиқдан бўйин товлайдиган солиқ тұловчиларнинг фаолиятларини таҳлил қилиш асосида 2023 йилда ўтказилган текширувдан олдинги таҳлиллар натижасида 114 037 та корхона томонидан кўпайтиришга қайта ҳисоботлар тақдим этилган ва 6,6 трлн сўмдан ортиқ солиқлар ҳисобланган бўлса, 2024 йил январь-февраль ойларида солиқ аудити жами солиқ тұловчиларнинг фақат 0,04%ида ўтказилган. Энг катта тафовут аниқланган соҳалар: ишлаб чиқариш – 2,9 трлн сўм, умумий овқатланиш ва савдо – 1,5 трлн сўм, қурилиш – 802,2 млрд сўм, транспорт – 331,5 млрд сўм, қишлоқ хўжалиги – 316,3 млрд сўм бўлган. Бундан ташқари, 2023 йилда солиқ хизмати органлари томонидан солиқларни тўламаслик хавфи юқори бўлган 1 079 та тадбиркорлик субъектида солиқ аудити ўтказилди. Бу ушбу даврда фаолият кўрсатган жами солиқ тұловчиларнинг (570,4 минг) 0,2 фоизини ташкил этади. Ўтказилган солиқ аудитларида 432 та солиқ тұловчидан 1,4 трлн сўмлик солиқ базаси яширилган: 276 та субъектда 743,6 млрд сўмлик реализация қилинган товарлар суммаси кўрсатилмаган, 107 та субъектда 418,4 млрд сўмлик товарлар инвентаризация пайтида омбор ёки реализация жойида мавжуд бўлмаган; 49 та субъектда 244,9 млрд сўмлик кирим қилинмаган товарлар сақланган ёки реализация қилинган.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, солиқ тизимида миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш асосида солиқ сиёсатининг тактик йўналишларини белгилаб олиш катта аҳамият касб этади. Солиқ тұловчилар солиқ кўрсаткичлари тизимида миқдорий кўрсаткич бўлсада, аслини олиб қаралганда солиқ тушумлари уларга боғлиқ. Шу сабабли ҳам инсофли солиқ тұловчилар улушкини ошириш солиқ сиёсатидаги устувор вазифа қилиб белгиланган бўлса-да, бироқ, бу жараён ўз-ўзидан амалга ошмайди. Шу боисдан ҳам бизнингча, бунинг амалий механизмлари сифатида бир томондан солиқ маданиятини оширишнинг ҳам иқтисодий ҳам маъмурний дастакларидан самараали фойдаланишини таъминлаш лозим бўлса, бошқа томондан солиқ назоратининг самараси таъминлайдиган янги услубларни янада кучайтириш тақозо этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 2019-йил 30-декабрдаги Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013-йил 26- декабрдаги Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ360сон Қонуни билан тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812-сон Қонуни. 2022-йил 30-декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 29-июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 18-июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.



# MUNDARIJA

I shu'ba

IJTIMOIY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN "YASHIL" IQTISODIYOTGA  
JADAL O'TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE  
DEVELOPMENT GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К "ЗЕЛЕНОЙ" ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-  
ЭКОНОМИЧЕСКОГО УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

The Development of Marketing Innovations in Retail Trade .....	4
<b>Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda</b>	
Направления совершенствования стратегии компании для успешной организации IPO .....	9
<b>Шахзод Сайдуллаев</b>	
"Yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish .....	11
<b>Abdurahmonov Xolboy To'xtayevich</b>	
Тўқимачилик саноати кластерлари инновацион фаолиятининг барқарор ривожланиш муаммолари ва ечимлари .....	14
<b>Икрамов Мақсад Муратович</b>	
O'zbekistonda chakana savdo korxonalarini rivojlanishi va innovatsion faoliyati .....	20
<b>Karimov Baxrom Ilhomjonovich</b>	
Unveiling the Dynamics of Agglomeration Economies in Sustainable Development .....	24
<b>Khakimov Ziyodulla Akhmadovich</b>	
Kimyo tolalari asosida to'qimachilik mahsulotlari bozorini diversifikatsiyalash usullari .....	28
<b>Raximov Furqat Jalolovich</b>	
Qashqadaryo viloyatida Safari turizmini rivojlantirish dinamikasini o'rganish .....	32
<b>Ro'ziyev Bobir Akramovich</b>	
Брендни шакллантириш ва ривожлентериш бўйича замонавий маркетинг назариялари ва стратегиялари .....	34
<b>Зияева Шахло Шоакбар қизи</b>	
The Development of Marketing Innovations in Retail Trade .....	37
<b>Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda</b>	
Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари .....	42
<b>Каримов Бекзоджон Илхомович</b>	
Ichki turizmni rivojlanlantirish tashkiliy mexanizmining asosiy prinsiplari .....	45
<b>Dehqonov Burxon Rustamovich</b>	
"Yashil" iqtisodiyotga o'tishda ko'zi ojizlar bandligining innovatsion yechimi .....	48
<b>Usmonov Ziyodulla Ulmas o'g'li</b>	
Auditorlik tekshiruvini halqaro standartlar asosida tashkil этиш хусусиятлари .....	51
<b>Исмоилова Феруза Исройловна</b>	



## II shu'ba

"YASHIL" IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARINI KENG JORIY ETISHDA  
ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI

## Section II

DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION  
OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY

## II секция

ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ  
ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В "ЗЕЛЕНУЮ" ЭКОНОМИКУ

Ta'minot zanjirini boshqarishda transport logistikasi usullarini takomillashtirish.....	56
<b>Zoxidova Nazokat Berdimurot qizi</b>	
Rivojlanayotgan mamlakatlarda fond bozorining rivojlanishi tahlili.....	58
<b>Axmedov Doniyorbek Ulugbek o'g'li</b>	
Davlat moliyasini boshqarishda moliyaviy nazorat usullaridan samarali foydalanish yo'llari .....	60
<b>Kultayev Farxod Shavkatovich</b>	
Янги Ўзбекистонда инсон экологиясини юксалтиришнинг инновацион механизмлари .....	62
<b>Ҳакимов Назар Ҳакимович, Раҳмонов Дўстмурод Абдиназарович</b>	
Tadbirkorlik sубъектларини ривожлантиришда саноат ипотекасининг ўрни .....	67
<b>Султанов Баҳром Бегдуллаевич</b>	
Ижтимоий ҳимояни ривожлантиришда янгича ёндашувлар .....	70
<b>Каримов Бекзоджон Илхомович</b>	
Kapital bозорини ривожлантириш масалалари .....	72
<b>Турдиева Узайда Омираевна</b>	
Инновацион тараққиёт йўлига ўтиш даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи таъсирини оширирилиши .....	74
<b>Алимжон Қулматов</b>	
Zamonaviy logistika tizimida marketing strategiyalaridan foydalanishni takomillashtirish .....	78
<b>Xasanov Sarvar Ulug'bek o'g'li</b>	
The Development of Marketing Innovations in Retail Trade.....	81
<b>Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda</b>	
Innovatsion rivojlanishni baholovchi statistik ko'rsatkichlar tizimini takomillashtirish (xorij tajribasi) .....	86
<b>Nuriddinov Zufar Akbarovich</b>	
Maxsus иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида.....	90
<b>Давлаев Фолиб Ашурович</b>	
Hududlarning iqtisodiy jihatdan rivojlantirishda "yashil" iqtisodiyot va "yashil" ish o'rinalarining ahamiyati.....	92
<b>Shomirzayev Abdug'affor Abdujabbor og'li</b>	
Innovatsion menejment va raqamli transformatsiyalar jarayonlarini samarali boshqarish yo'llari .....	94
<b>Safarova Dilfuza Baxramovna</b>	
Ижтимоий харажатларни молиялаштиришнинг асосий масалалари .....	99
<b>Тураев Очил Ярашевич</b>	
Инсофли солиқ тўловчиларни кўпайтириш – солиқ кўрсаткичларининг муҳим омили сифатида.....	102
<b>Абдурасулов Алишер Абдурасулович</b>	

# Yashil

IQTISODIYOT  
va  
TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

**Ingliz tili muharriri:** Feruz Hakimov

**Musahhih:** Xondamir Ismoilov

**Sahifalovchi va dizayner:** Iskandar Islomov

## 2024. Maxsus son

© Materiallar ko'chirib bosilganda ““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma'sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

E-mail: sq143235@gmail.com

Bot: @iqtisodiyot\_77

Tel.: 93 718 40 07

Jurnalga istalgan payt quyidagi rekvizitlar orqali obuna bo'lishingiz mumkin. Obuna bo'lgach, @iqtisodiyot\_77 telegram sahifamizga to'lov haqidagi ma'lumotni skrinshot yoki foto shaklida jo'natishingizni so'raymiz. Shu asosda har oygi jurnal yangi sonini manzilingizga jo'natamiz.

““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali 03.11.2022-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №566955 reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

**Litsenziya raqami:** №046523. PNFL: 30407832680027

**Manzilimiz:** Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani  
Kumushkon ko'chasi, 26-uy.



### Jurnalning ilmiyligi:

““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali O'zbekiston Respublikasi Oly ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oly attestatsiya komissiyasi rayosatining 2023-yil 1-apreldagi 336/3-sonli qarori bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.